O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • uzasziyoli@list.ru • 2007-yil, 8-mart • № 10 (3890)


## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами — 8 март — Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу қутлуғ айёмда, аввалambор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукуҳли кунларда хонадонларимиз фариштаси, оила қўрғонининг бекаси бўлмиш, рўзғорнинг барча юки ва ташвишларини нозик елкасида беминнат кўтариб келаётган, болаларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, уйларимизга орасталик ва файз бағишлайдиган садоқатли умр йўлдошларимизни, уларнинг ҳусну латофатини ўзимиз учун бамисоли янгитдан очгандек бўламиз, уларнинг, барча опа-сингилларимиз, зебо қизларимизнинг ҳурматини бажо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8 март байрами ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало эски замонда кенг тарқалган сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанани, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада такомиллаштириш, аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Бугун қўлга киритган катта ютуқларимизни мамнуният билан эътироф этган ҳолда, мен бутун жамоатчилигимиз, биринчи галда, раҳбар ва фаолларимизнинг эътиборини муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Яъни, ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, аввалambор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида — бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими — том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.

Ўйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

**Ибройим ЮСУПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

### ЮРТИМ АЁЛЛАРИ

Шеърий лаҳза

*Аёл гўзаллиги — илоҳий тилсим,*
*Қиёсласа бўлар моҳтобга, кунга.*
*Инсон қалбин мудом ёритиб турсин,*
*Дея тангрим сўнмас нур берган унга.*

*Дунё яралгандан қўшиқлар, созлар*
*Уни таърифлашдан толмаган ҳеч ҳам.*
*Ҳазрати Навоий, Ажиниёзлар*
*Муносиб сўз излаб сурганлар қалам.*

*Жаҳонгир шоҳлар ҳам тушиб тахтидан,*
*Олдида тиз чўкиб, ғазнасин сочган.*
*Бу бир илоҳий нур — ярқ этган вақтда*
*Ҳатто пайғамбарлар кўзи қамашган.*

*Изҳор этолмайди булбул ботиниб,*
*Ҳар гулнинг ўз кўрки, афзаллиги бор.*
*Ҳар элда, ҳар халқда аёл зотининг*
*Ўзгача кўрк-чирой, гўзаллиги бор.*

*Достонларда таърифи бор барининг,*
*Ким ўради унинг сирли ўрмагин?*
*Ҳайҳот, бизнинг юртнинг аёлларидай*
*Сулувларни мен ҳеч ерда кўрмадим!*

*Беҳишт ҳурларими турган қаршингда,*
*Ичмай-емай, дийдорига тўярсан.*
*Тўмарисми, Шоҳсанамми, Барчинми,*
*Кимлигини билмай ҳайрон бўларсан.*

*Уларнинг шўх-шодон кулганин кўрсам,*
*Ёдимга тушади навқирон даврим.*
*Қайғу, хафаликда юрганин кўрсам,*
*Эриган қорлардек тугайди сабрим.*

**Қорақалпоқчадан Салим АШУР таржимаси**

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги барча эзгу саъй-ҳаракатлар давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март – Хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали мажлисга Ватанимиз равнақи йўлида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган онахонлар, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фидокорона фаолият олиб бораётган аёллар, хотин-қизлар қўмиталари раҳбарлари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, иқтидорли қизлар таклиф этилди.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўплангани эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари — она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

## ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 8-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Оринбаева Улбосин Адилбаевна, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1-курс талабаси Қорабоева Дурдона Салахитдиновна, Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси Муродова Зебинисо Номозбековна, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 2-ихтисослашган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси Тўйчиева Насиба Омонлиқ қизи, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 21-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Аҳмедова Зарнигор Исмоиловна, Навоий вилояти Томди қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси Рустамова Молдир Умматияровна, Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 1-курс талабаси Абдурашидова Дилобар Асадулла қизи, Самарқанд вилоят Оқдарё педагогика касб-ҳунар коллежининг ўқитувчиси Абдураҳимова Назокат Орзиқуловна, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Барлибоева Ситора Комилжон қизи, Сурхондарё вилояти Музработ кичик ва ўрта бизнес касб-ҳунар коллежининг 1-курс талабаси Мусаева Севара Матоҳировна, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтининг 1-курс талабаси Розиқова Нигора Абдумажидовна, Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослашган мактабининг 11-синф ўқувчиси Абдуғаниева Нилуфар Нуъмонжон қизи, Хоразм вилояти Ҳонқа туманидаги 7-ихтисослашган мактаб-интернатининг 9-синф ўқувчиси Каримова Муҳайё Мўминбоевна, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги академик лицейининг 1-курс талабаси Усмонова Дилафрўз Азимжон қизига совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлари топширилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг янги совриндорлари Улбосин Оринбоева, Зебунисо Муродова, шунингдек, Тошкентдаги 14-болалар жарроҳлиги касалхонаси бош шифокори Моҳиба Обидова, Сергели тумани Жомий номидаги маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Дилором Ҳайдарова юртимизда хотин-қизларни, жумладан, иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камол топтириш ва истеъдодини тўла намоён этиши учун барча шароитларни яратиш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбирга файз бахш этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони**

## МЕҲРИ ОРТИҚ ЭРУР...

Дунёда шундай бир улуғ зот борки, унга эҳтиром, миллати ва динидан қатъи назар, барча инсонларга баб-баробар дахлдордир.

У зотга бўлган меҳр-муҳаббатимиз ҳам шунчаки кўнгилчанликдан тамоман холидир.

У зот эса азиз оналаримиз, опа-сингилларимиз, лобар қизларимиздир.

**Кимдир бир юмушдан юзини бурди,**
**Кимдир ваъда берди, кимдир ўй сурди.**
**Аёлга эҳтиром навбати етгач,**
**Ҳамма бирданига оёққа турди.**

Эшитганимиз бор: қайси бир тоғлик халқларда низолашган икки қавм ўртасига аёл рўмолини ташлагач, тарафкашлар ўша заҳотиёқ адоватини бас қилар эканлар.

Албатта, оналаримиз, аёлларимиз шаънига, шарафига минг-минглаб байтларни келтиришимиз мумкин. Чунки аёл зоти авлодлар силсиласида асосий сиймодирким, дунёга дарз кетса, унинг чизиғи аввало оналар юраги орқали ўтади, дейдилар.

Миллатимизга хос жамики фазилатлар, эзгуликлар оналаримиз қалбида шаклланади, камолга етади, сўнгра авлодларга ўтади.

Бугунги Ўзбек Онаси ҳеч кимдан кам бўлмаган фарзандларнинг онасидир. Бугунги Ўзбек аёли юрт раҳбарининг эъзозида, ҳимоясида.

Меҳр-шафқат ҳар бир инсонда бор. Бироқ, оналарнинг меҳр туйғуси чексиз-чегарасиздир.

**Отанинг қарғиши бамисоли ўқ,**
**Тегади, бир фурсат кутмайди дерлар.**
**Гарчи падар каби бўлса-да улуғ,**
**Онанинг қарғиши ўтмайди дерлар.**

**Асли ёмонликдан асрасин Худо**
**Ва яна асрасин жавоб — заҳридан.**
**Она шундайин бир қалби кенг сиймо,**
**Меҳри ортиқ эрур доим қаҳридан.**

## ХАЛҚ ИЖОДИ — ХАЗИНА

Бугун республикамизда ўтаётган барча йирик анжуманларни, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини халқ ижодиётининг толмас тарғиботчилари, фидойи санъат аҳлисиз тасаввур этиш қийин. Айниқса, сўнгги йилларда фолклор ансамблларининг фаолияти кўпчиликка маъқул бўлмоқда. Халқ ижоди намояндаларининг муваффақиятида, шубҳасиз, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ҳамда унинг вилоятлардаги бўлинмаларининг ҳам муносиб хизмати бор. Биргина ўтган йилнинг ўзида марказ томонидан йигирмадан ортиқ тадбир ўтказилди, кўплаб услубий қўлланмалар чиқарилди. Халқ ижодиёти поезди ташкил этилгани ва у вилоятларда муваффақият билан ишлагани кўпчилик томонидан эътироф этилди.

Албатта, ютуқлар ҳақида анча тўхталиш мумкин. Лекин, айни пайтда, бу борада ҳал этилишини кутиб турган масалалар ҳам йўқ эмас. Аввало, вилоятлардаги Халқ ижодиёти илмий-методик марказлари ўз фаолиятларини янада кучайтиришлари зарур. Ҳар бир вилоятнинг ўзига хос удумлари, урф-одатлари, фолклори бор. Афсуски, кейинги вақтда ўтказилаётган кўплаб тадбирлар ва кўрик-танловларда бир хиллик, саёзлик кўзга ташланиб қоляпти. Ҳатто либосларда ҳам ўхшашлик сезилади. Халқ ижодиёти марказлари маҳаллий ҳокимликлар, маҳаллалар, бошқа нодавлат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлашлари зарур. Очиғини айтганда, баъзи ҳокимликларда шундай марказ борлигини ва нима билан шуғулланишини билмайдилар ҳам.

Шунингдек, қишлоқ маданият уйлари фаолиятига жиддий эътибор бериш, малака ошириш ишини замонавий талаблар даражасида йўлга қўйиш, жойларда профессионал кадрларни кўпайтириш, пулли хизмат кўрсатишни ривожлантириш каби вазифалар ҳам ўз ечимини кутиб турибди.

Яқинда пойтахтимиздаги Маданият ва санъат галереясида ўтган Қорақалпоғистон республикаси ҳамда вилоятлар халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказлари раҳбарларининг кенгашида юқорида кўрсатилган вазифалар ва бошқа масалалар бўйича мулоҳаза юритилди. Йиғилишда республика Халқ ижодиёти маркази директори ўринбосари Ў.Тоҳиров, Маданият ва спорт ишлари бошқарма бошлиғи Ў.Тошматов, Қашқадарё, Сирдарё, Тошкент вилояти илмий-методик марказлари директорлари С.Омонов, А.Султонов, С.Зайдинова ва бошқалар кўрилган масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кенгаш ишида Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари А.Ҳайдаров қатнашди ва маъруза қилди.



ТЕАТР — ЖОНЛИ ИЖОДХОНА 5



# КУМУШГА АЙЛАНГАН МАЪСУМА

*Мунча ишқим қайга сиғади?*
*— Ҳаммаси ҳам руҳим ичида.*
***Ойбек***

Нега унинг овози ҳазин, табассуми синиқ эди? Ҳатто мағрур нигоҳида ҳам кишини ўйлантирадиган маъюслик яширин... Лекин ҳеч кимга ўхшамаган хокисорлик — вазминлигида қандайдир аслзодалик ҳам бор эдики, ҳамиша ғамгин, аммо улуғвор кўринар эди.

Унинг ҳузурига бормасимдан олдин адабиётшунос Шуҳрат Ризаевнинг: **"Ҳаётда қандай оғир, вазмин, камгап бўлса, санъатда ҳам шундай яшаб келаяпти. Аммо унинг изтироб ва оғриқлар билан лиммо-лим қалбини, дод солса, исён кўтарса, дунёни бузарлик кудрати, кувввати борлигини Римма Аҳмедова санъатидан том маънода баҳра олган нозик фаҳм ва дидли ихлосмандлар ҳамиша сезиб юришади",** деган иқрорини қайта-қайта юрагимдан ўтказдим. Санъаткорнинг руҳни ибодатга келтирувчи, ҳа-ҳа, айнан ибодатга келтириб, покловчи овозини эшитиш учун ўта тажанг, баҳога ҳаддан ташқари хасис, инжиқ домланинг сабоғини қолдириб, юрак ҳовучлаганча "Инсон қалби ҳақида қисса" филмини кўрган кунимни ҳамон эслайман. Ўшанда мен англаган бирдан-бир ҳақиқат шу эдики, филм қаҳрамони — туйғулар олами бой бемор шоиранинг хаста, лекин ҳассос юраги аслида биргина овози билан унинг образини яратаётган Санъаткоримнинг кўксида уриб турар эди. Шунинг учун бўлса керак, гарчи дубляж санъатида икки мингга яқин образларни яратган бўлса-да, Римма опа йиллар давомида ўзига ҳам қадрдон бўлиб қолган беғубор Наташа Ростова билан нозик қалбли ўша шоира-аёлни айрича меҳр билан эслаб келди. Чунки бу қаҳрамонларнинг дарди, шикаста туйғулари унга бегона эмас эди.

...Истараси ниҳоятда иссиқ, туйғулари паришон юзига қалқиб чиққан, маҳзун қиёфали, ҳар қандай ҳолатдаям аёллик жозибасига шикаст етказмаган, сочлари кумушга айланган маъсума Аёл. Унинг муҳаббатга айланган маъюс кўзларида юракни уйғотадиган қандайдир ҳарорат мужассам. Актрисанинг донишманд қиёфасига ёшликка хос лирика сингиб кетган эди. Бу эса уни янада дилбар қилиб кўрсатарди. Шу боис, ўзаро мулоқот чоғи орадаги қирқ йиллик масофани сезмаганман. У билан ҳар гал суҳбатлашганимда шунга амин бўлардимки, бу аёлда камдан-кам одам эришиши мумкин бўлган, ҳар қандай чиройдан-да юксак, турмушнинг телба шамолларидан ғолиб руҳий юксаклик бор эди. Унинг ўй-мулоҳазалари ҳеч қачон кексаликнинг нишонаси бўлмиш панд-насиҳатга айланмади. Ҳаётни айрича муҳаббат билан севиб, уни юксакликдан кузатар, назаримда бу туйғуни сўнгги дақиқаларида ҳам суҳбатдошларига юқтиргиси келарди.

Унга отасини кўриш насиб этмади. Сайрамлик Анор хола кенжатойи Ашурни урушга жўнатаётганида, ўғли вагон деразасидан бошини чиқариб "Александрани асранглар, бўйида боласи бор" дея овози борича бақиради. Бу ўғилнинг онага айтган сўнгги ўтинчи эди. Орадан ойлар ўтиб ўша фарзанд дунёга келади. Александра қизалоққа эрта қазо қилган дугонасининг хотираси учун Римма деб исм қўяди. Анор хола эса кенжатойининг тирик васиятини ҳеч кимга ишонмас, уни Ирисой деб чақирар, "чироғим" деб эркалатарди.

Александра турмуш ўртоғини ўн икки йил кутади. Тақдирга тан берган шўрлик она: "Болам, шунча кутдинг, сенинг уволингга қолмай, турмушга чиқ," дея қизидек бўлиб қолган келинига рухсат беради. Бироқ Ашургинасининг ёлғиз ёдгорини ўзи билан олиб қолади. Неварасининг кўнглини кемтиклиги билинмасин дея эски шаҳардаги бозорда тарозибонлик қилиб неки тансиқ нарса кўрса нуридийдасига илинади. Қизалоқ онамнинг олдига бораман, деса ҳам ёлғиз юборишга кўзи қиймас эди. Негаки, бошқа турмуш қуриб, кетма-кет фарзандлик бўлган Александранинг тинч турмушига халақит бергиси келмас эди. **"Ўзимча ойим(бувим)дан кўп ранжирдим,** — дея эслайди Римма опа. **— Институтда ўқиб юрган кезларим тадбирлар — ижодий кечалар тез-тез бўлиб турар эди. Шунда гоҳида кечгача қолиб кетар эдик. Уйга қайтаётганимда, қачон қарамай ойим кўчага чиқиб, мени кутиб ўтирардилар. Хоҳ қаҳратон қиш бўлсин — хоҳ ёз. Мен эса у кишини уришаман "Ойи, маҳалладаги аёлларга гап кўпайтириб нима қиласиз: "Бояқиш, кечгача Ирисхонни кутиб кўчада дийдираб ўтирибди" дейишади..."**

Кунлар ойларга айланди, ойлар эса йилларга... Йигирма ёшида у ҳам бувисидан, ҳам онасидан жудо бўлди. Мана шу жудоликлардан сўнг биз учун таниш бўлган унинг нигоҳига қайғунинг илк сояси тушди. Бора-бора бу соя чуқур мунгга айланди. Ҳатто ўзини бахтиёр санаган лаҳзаларда ҳам унинг нигоҳини тарк этиб кетолмади...

**"Маъракалари ўтгач, институтдан келаётсам, раҳматли ойим мунғайибгина мени кутиб ўтирадиган симёғоч остидаги курсича бир четда ағанаб ётибди. Уй қоп-қоронғу. Шунда Кимни йўқотганлигимни англаб етдим. У киши "Чироғим, мендан хафа бўлма. Бир кун келиб афсусланишингни ҳеч ҳам хоҳламайман. Унда кеч бўлади. Доимо сени кутолмайман-ку! Лекин, болам, шуни бил, сени мендек ҳеч ким кутмайди. Бошингга тушганида англарсан," дер эдилар. Бувимни вафот этганларидан кейин тушундим... Ҳар тонг уйғониб у кишининг руҳларидан кечирим сўрайман: "Ойижон мен ғофилни кечиринг, мана бугун мен ҳам сизнинг аҳволингизга тушдим." Назаримда, ҳали ҳам у киши "Ирис болам, қийналдингми", деяётгандай..."**

У санъатнинг арзандаси эмас, ҳақиқий фарзанди — меҳри учун жазога маҳкум этилган Корделияси эди. Актриса ҳам бир вақтлар саҳнада образини яратган қаҳрамонидек туйғуларини ошкора намоён этавермас, меники-сеники дея саҳнани кураш майдонига айлантирмасдан ўз сукунатига ғарқ бўлганча, ички саволларига жавоб изларди... Римма Аҳмедова саҳнада чуқур фожеавий образлар ёки ўткир драматизм руҳидаги қаҳрамонларни ҳамда комик ролларни яратаётганда фақат бир нарсани — томошабинлар актрисанинг оғзидан чиқаётган сўзларни эмас, чунки бу сўзлар муаллифники, унинг қалбига қулоқ солишини, шу сўзларни айтаётганда қанақанги оғриқларни ўзидан ўтказаётганлигини тушунишини орзу қилар эди. У умри шомида "Юлдузли тунлар" спектаклидаги Хонзодабегим қисматини кўп эслади. Яъни бу образни саҳнада қандай гавдалантирганини эмас, асло!.. Фақат яқин кишисининг бахти учун ўзининг орзуларини, келажагини қурбон қилган Аёлнинг дардини ўйларди. Ўйлаган сари ўзи ҳам унинг дунёсига чўкиб борарди...

Бу Аёл саҳна инсон туйғуларини таҳқирламасдан, юксак маънавий идеаллар йўлида хизмат қилиши керак деб билди. Сен ундан ўзинг излаб юрган гўзалликни топ. Қаҳрамонларнинг фожиасида ўзингдаги кемтикликни кўр-да тиниқиб-тиниқиб йиғла, руҳан покланасан, дер эди. Табиийки, у бетоблиги туфайли ижодий жараёнлардан узоқлашиб қолган эди. Бир куни у соғиниб юрган театрига спектакл кўргани боради... "Мен спектаклнинг режиссураси-ю — актёрлар ижроси ҳақида гапиришни ҳам хоҳламайман. Спектакл эмас! Бу томошада эркак ва аёл ўртасидаги сирли муносабат шу қадар ялонғочлик билан айтиляптики, мен буни санъат деб айтолмайман!"— деган эди ўшанда.

Ўша куни у уйига йиғлаб қайтади ва ўзи учун шундай хулосага келади, гўзаллик чексиз тушунча бўлганидек, яъни унинг қиёси топилмагани учун ҳам ҳар томонлама мукаммал санъат асари бўлмайди. Шунингдек, саёзликнинг ҳам интиҳоси бўлмас экан...

Унинг Ўзбек Миллий академик театри саҳнасида кўрган сўнгги спектакли "Дарахтлар тик туриб жон беради" асари эди. Бу асар актриса учун алоҳида қимматга эга. Негаки, бир умр шу асар хаёли билан яшади. **"Гинзбург "Ричард"ни фақат мен кўя оламан, бошқа ҳеч ким мендек кўя олмайди" дер эди. Буни такаббурликка йўймаслик керак. Режиссёр бир асарга қўл урар экан, ўша асар ҳақида унинг мана шундай даъвоси бўлиши шарт. "О, классика! Жаҳон драматургиясидан албатта саҳналаштиришим керак" деган ҳавойи хоҳишнинг ўзигина ҳеч нарса қилолмайди. Яъни етук спектакл учун яхши асарнинг ўзигина камлик қилади. Бунда ҳеч кимни такрорламаган режиссёрнинг нигоҳи зарур бўлади. Асарнинг саҳнавий варианти тўлалигича унинг тасаввурида етилиб пишиши керак. Ҳозир мен тассаввуримда Кассонанинг бу асарини тўлиқ кўряпман. Шу асар орқали ичимда қолиб кетаётган гапларни айтмоқчи эдим. Яъни инсон, энг оғир дақиқаларда ҳам қанчалик қийин бўлмасин, тўғри қарор чиқара олиши шарт. Ҳеч қурса ўлаётган чоғида ҳақиқатнинг кўзига тик қарай олиш учун ўзида куч, жасорат топсин. Қанийди, имкониятим бўлганда эди. Ҳали режиссурага қўл уриш учун вақт бор деб ўйлардим. Афсус...."**

Шахсан мен ўзим "Дарахтлар тик туриб жон беради" спектаклини театр саҳнасида кўрмасимданоқ, Римма опа орқали бу асар ҳақида тасаввурга эга эдим. У киши ҳар бир ролга алоҳида тўхталиб, ўзининг саҳнавий вариантини айтиб берди. У ҳолатга кирганча асардаги диалогларни менга сўзлаб бераётган паллада танасидаги азобли оғриқни тамоман унутар эди. Кейинчалик спектакл қаҳрамонларидан бирининг ижросидан опа жуда хафа бўлди. Куюнганча ***"Унинг қаҳрамонини олижанoблиги, самимияти қиёфасида акс этиб турган бўлиши керак. Бу актёр эса ясама табассум билан саҳнага "мана мени кўриб қўйинглар" деб савлат тўкиб юради. Шунчаки матнни ёдлаб олган. Қиёфаси шу қадар расмийки, кечирасиз-у, унинг ҳолати яқин кишисининг жанозасида ҳам ўз авторитетини ўйлайдиган чиновникларни эслатади".***



Актриса илк бора саҳнада 1962 йил "Океандаги фарёд" спектаклида зиддиятли лирик кечинмаларга бой соҳибжамол баронесса қиёфасида чиқади. **"Бу ажойиб спектаклни Тўла акам саҳналаштирган эдилар. Бу менинг диплом спектаклим — илк ҳайратим бўлгани учунми театримизда қайта саҳналаштирилган вариантини кўришга юрагим дов бермади... "**

Касалхонада бўлган сўнгги суҳбатларимиздан бирида санъаткор шу спектаклда яратган баронессасини яна бир карра эслади: **"Баронесса жуда гўзал аёл бўлганлиги учун унинг хушторлари ҳам кўп бўлган. Бой барон эса унинг ҳуснидан керилганча қаергаки саёҳатга чиқса уни ўзи билан олиб юрар, бироқ тунлари эса шафқатсизларча "сен фоҳишасан" дея ҳақорат қилиб, урарди. Асарнинг кулминацияси — қаҳрамонлар фожиа ёқасида қоладилар. Яшаш учун ҳеч қандай умид йўқ. Ҳамма фожиани турлича кутиб олади. Ажал рўпарасида турган барон маъшуқасига "Нима учун мен сенга шунча азият етказсам-да, орқамдан қолмайсан, бир зум ҳам мендан айрилмайсан?" дейди. Шунда мен, яъни баронесса "Биласанми, менга сенинг берган азиятларинг ҳам ёқади, ҳатто мени урган қўлларингни ҳам севаман" деб жавоб бераман.**

**Муҳаббат — шунақанги жумбоқки, сен уни тушунтириб беролмайсан. Нима учун севишингни айтолмайсан. Севасан ё севмайсан. Тамом. Мени билганим бу ширин азоб... Негаки сен барибир қисқа бўлса-да, у билан кечган, бахтли, нурли кунларнинг хотираси учун ҳам... уни ўйлашда яна давом этаверарkансан. ...Юрагинг уриб турар экан хато қилишдан тўхтамас экансан. Гоҳида меҳринг ҳам хатоларингга айланаркан. Фақат ўлим билангина буларга нуқта қўяркансан. ...Агар мўъжиза рўй бериб ҳаётни бошқатдан бошлаш имкони бўлса, барибир яна шу йўлдан ўтардим. Лекин, умрим ҳувиллаганча шамолларда ўтиб кетгандек..."**

У ўқиган шеърларнинг ҳар бири қандай қилиб санъат асарига айланганини ўзимча тушуна бошлайман. Назаримда, ундаги ҳассосликнинг, улуғворликнинг ҳам калити унинг саодатманд қалбидаги жавҳарда мужассамдек.

17 октябр. У эртага иккинчи операцияга кириши керак. ...Ўнг қўлини пешонасига қўйганча ётибди. Каравот ёнидаги стулда ички вароғи букланганча Хемингуэйнинг "Қўнғироқлар кимга чалинади?" китоби... Эҳтиёткорлик билан унинг ёнига чўкдим. ...Тана ҳарорати кўтарилганга ўхшайди. Нурли кунларга ишонишга ҳарқанча уринмай, югуриб ўтаётган бу дақиқаларнинг ғаниматлигини бутун вужудим билан ҳис қилиб турибман. Ўша дамда бу лаҳзаларни тўхтатиб, уларда яшай олмаётганим алам қиларди. Одамзотнинг энг катта буюк армони ҳам мана шу такрорланмас ВАҚТ — ҳаммамизни ўзи билан оқизиб олиб кетаётган онлар эканлигини илк бора тирналган юрагимдан ўтказдим... Опа ҳамишагидек ҳазин жилмаяди... Менинг ишларимни сўрайди, умумий мавзулардан гаплашамиз. Ҳатто менга латифа ҳам айтиб беради. Унинг оғриқларини ҳис қилиб турибман. Ночорман... Биз учун қанчалик оғир бўлмасин, у ўлимнинг кўзига тик қараб турибди. Ўша дамда Унинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз аслида довдираганча ҳаётнинг чорраҳасида турган ёш биродарига айтиши керак бўлган энг сўнгги ҳақиқати экан:

**— Барибир ҳаётдан тўйдим деганингда ҳам, сени бу дунёга боғлаб турадиган баъзи бир нарсалар бўлар экан... Бутун бошли ҳаётимни бир бутунликда кўраман. Бахтим ҳам, бахтсизлигим ҳам бир-бирига занжирдек уланиб кетган. Бир қарасам бахтсизлигимда бахт бор, бахтимда бахтсизлик. Шунинг учун ҳам мен буларни бир-биридан айро тасаввур қилолмайман. Ҳаммаси бир-бирига туртки бўлган...**

**Мени сиздан ўтинчим, юрагингиздан нафратни қувинг, юракни нафрат кемиради. Юрагингизда ҳеч кимга заррача бўлса-да, адоват қолдирманг. Ундан кўра одамларга Оллоҳдан инсоф сўранг. Севинг... Улар ҳам ўзича ҳақ. Ҳар ким ўз бахти учун курашади. Мен ҳаммасини астойдил кечирганман, кўнглимда кек йўқ. Бу менинг ҳаётим эди. Шунинг учун ҳеч кимни айбдор деб айтолмайман. Ҳарқандай ҳолатда ҳам, агар мен бошқа мамлакатда туғилганимда ҳам, барибир, шу қисматни яшаб ўтардим. Ҳеч ким ўзидан қочиб қутулолмаган. Шунинг учун ҳам шоҳ Эдип бизнинг замондошимиз. Ундан кўра Оллоҳ олдида билиб-билмай қилган гуноҳларимиз учун тавба-тазарру қилиш керак. Жон болам, улар учун ҳам ибодат қилайлик...**

Ҳарқанча қайғули бўлмасин, мен ўша дамда бахтиёр эдим. Чунки мен ўзим излаб юрган Одамни фақат бадиий адабиётлар-у, тарих саҳифаларидангина эмас, мени ўз бағрида кўтариб турган мана шу заминда, бошим узра айланаётган чексиз осмон остида топган эдим. Азбаройи, мана шу қисқа учрашув учун ҳам бу ҳаётни куйлаб ўтсанг арзийди.

Афсуски, иккинчи операциядан сўнг бизнинг куз баргидай ҳилпираб турган умидимиз саробга айлана бошлади...

...Бариси чексиз соғинчга — эртакка айланди... Ҳаётнинг тарсакиларидан юраги зада бўлиб кетган бўлса-да, бу оламга ва одамларга нисбатан меҳр тўла нигоҳни энди кўра олмайман...

Воизлик унинг табиатига ёт эди. Ортиқча эътибор, бировларнинг сохта мулозаматларидан ҳамиша Ўзини аяр, қандайдир оммавий-расмий йиғинлар унинг жойи эмас эди. Сўнгги нафасигача асосий нигоҳини ўз қалбига — ички дунёсини бойитишга қаратган эди. Назаримда у ўзининг сукунатлари ила Олам билан сирлашар, мен эса у орқали оламни тинглар эдим. Менингча, ундаги чексиз самимиятнинг сири ҳам шунда бўлса керак. Шу йўл билан ҳам У ҳеч кимникига ўхшамаган — мени асир этган гўзал Дунёсини ҳимоя қилгандек. Ҳаёт у учун бардош бўлса, саҳнани гўзаллик билан гўзаллик сирлашадиган даргоҳ деб билди.

У ўзининг ўнқир-чўнқирдан иборат қисқа ҳаёти билан бу сарсон Дунёни фақатгина гўзаллик — эзгуликкина асраб қолиши мумкинлигига астойдил ишониб яшаганлигини исботлади. Менинг бахтим — ўзининг мўъжазгина дунёсига хиёнат қилмаган ҳақиқий Санъаткорнинг оламига сайр қилиш насиб этганлигида. Бироқ унинг бу дунёси менга яна бир азалий аччиқ ҳақиқатни — биз талпинаётган Гўзалликнинг кўзлари ҳамон ёшга тўла эканлигини ҳам эслатди. Асрлар давомида инсониятнинг барча кўргуликларига гувоҳ бўлиб келаётган, сиз билан мен сархуш бўлганча топинаётган бу соқов Дунё мана шу гўзалликнинг, покликнинг кўзларидаги тахир ёшлардан озиқланаркан. Ахир, кўзни яшнатадиган ям-яшил водийлар ҳам Улуғвор Тоғларнинг кўзёшлари — сувларидан яшаб келяпти-да!

Фақат биргина таскин бор: Шундай инсонлар борлиги учун ҳам яшагинг келади...

**Иқбол ҚЎШШАЕВА**

*Куюнчак мактуб*

# СЎЗНИ ИСРОФ ҚИЛМАЙЛИК

Исрофгарчиликнинг ҳар қандай тури унга йўл қўйган инсоннинг ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам зарар. Тўйлардаги озиқ-овқат, ичимликлар, нон маҳсулотлари исрофгарчиликларига бирмунча чек қўйилди. Аммо сўз исрофгарчилиги ҳамон давом этяпти.

Ушбу манзарани кўз олдингизга келтиринг: тўйга келдингиз, тўкин дастурхон, ёнингизда суҳбатини соғиниб юрган дўст-биродарларингиз. Дилрабо қўшиқ янграяпти. Раққоса хиром этяпти. Иш чарчоғи, турмуш ташвишларини унутиб, ҳордиқ чиқариш, тўй соҳиблари шодлигига шерик бўлиш учун неки имкон бўлса, бари бисёр! Ўзбекона саховат, илтифот... лекин меҳмонлар тезда чарчаб, асаблар таранглаша бошлайди. Юзлардан табассум қочади.

— Миямизни қоқиб қўлимизга берди-ку! Бунча жаврайди бу давракаш!

— Масхарабозлик қилмоқчими, э, бу театр саҳнасимас-ку.

— Э, қўяверинг, тўй билан мажлиснинг фарқи бўлмай қолди.

Бу пайт тўй бошқариб турган йигит гап халтасини ланг очиб, гулгун, фаровон замона, унинг Фарҳоду Ширинлари, Лайли-Мажнунлари, Ғарибу Шоҳсанамлари, улуғ алломалар, уларнинг насиҳатлари, хонадон соҳибларининг ота-боболари, ўзларининг эл-юрт олдидаги хизматлари, келин-куёвларни узоқ таърифлаб, сўзларини шеъру ғазаллар билан "безаб" боришни ҳам унутмайди. Унинг бу сўзларини бошқа тўйларда ҳам эшитавериб зада бўлганларнинг таъби хиралашади. Меҳмонлар тез-тез соатига қараб қўйишади. Наилож, уй эгалари, эл-юртнинг ҳурмати учун ўтиришга, чидашга тўғри келади. Ахир ҳамма ҳам тўй қилиш нияти билан яшайди. Борсанг — келишади.

Бунақа нохуш ҳолларни кўриб ўйланиб қоласан: нега тўйлар бунақа расмий тус оляпти? Шунча сарф-ҳаражат, орзу-ният билан қилинган тўйлардан нега файзу тароват йўқолиб боряпти?

— Ҳамма гап сўзбозлик деган балода, — дейди кўпни кўрган отахонлар. — Қўлига микрофон ушлаган давракаш "Қозончининг эрки бор, қайда қулоқ чиқарса" деган мақолга қатъий амал қилиб, хаёлига келган гапларни айтаверади, узундан узоқ бемаза шеърлар ўқийди, ўзбекона ҳаё-ибога зид латифалар айтиб, қитиқлаб кулдиришга ҳаракат қилади. Устига-устак айрим меҳмонлар ҳам табрикни ҳаддан ошириб юборишади. Тўйга махсус сўз, шеър, тўғрироғи, текст ёзиб келадиганлар ҳам топилади. Айримлар эса, менга сўз бериб қолишса, нима дейман, деган андишада туз тотмай ўтиришади. Гапбозликдан қутулмасак тўй тўйга ўхшамайди.

Сўз — гавҳар! Уни беҳуда сочмайлик. Оз ва соз сўз, дилбар қўшиқ, рақс тўйларимиз нақши бўлсин!

**Абдулла САФОЕВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.**

# КУЛИШИНГ — ТЎЛИШИНГ...

***Шу йилнинг 10-11 март кунлари "Халқлар дўстлиги" саройида қизиқчи Шукрулло ИСРОИЛОВнинг "Бўғирсоқ шоу" дастури намойиш этилади.***

— Дастурга жиддий тайёргарлик кўрдик, — дейди Ш.Исроилов. — Концертимизнинг бошқа концертлардан фарқи шундаки, унда бошловчи бўлмайди, балки ўзимга ўхшаган қадди-қомати тўладан келган қизиқчилар иштирок этишади. Концертда театрлаштирилган саҳна кўринишлари, қизиқарли томошалар бўлади. Саҳна безакларини рассом Баҳтиёр Тўраев ўзига хос тарзда чиройли қилиб тайёрлади.



Мухлисларни зериктириб қўймаслик ва томошабинларда кўтаринки кайфият ҳосил қилиш мақсадида дастуримизга янгилик киритдик. Бу янгиликдан концертимизга тушганларгина хабардор бўладилар. Таниқли қизиқчи, устозим Мирзабек Холмедов томошамизга режиссёрлик қиляптилар. Шунингдек, Ботирхон Имомхўжаевнинг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Эстрадамиз юлдузларидан "Шаҳзод" гуруҳи ва Сардор Раҳимхон томошамиз меҳмони бўлишади. Концертни бошлашга бошлаб қўйдик. Лекин бироз хавотирдаман: концертимиздан томошабинларнинг кўнгли тўлармикин? Қандай баҳо бериш энди томошабинларимизга ҳавола.

Азиз кулгисевар юртдошлар, барчангизни концертимизга таклиф этамиз, келинг, кулишиб, тўлишиб кетасизлар.

**Б.САЪДУЛЛАЕВ ёзиб олди.**

***Газетамизнинг ушбу сони таҳририятда ташкил этилган "Маҳорат мактаби" тингловчилари иштирокида тайёрланди.***



**СОВҒАМНИ КИМГА БЕРСАМ ЭКАН?..**

**Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.**


Газетамиз хонадонингизга кириб боришини истасангиз, обунани бугун ҳам расмийлаштиришингиз мумкин. Биз сизнинг имкониятингизни ҳисобга олганмиз. Обуна нархининг бундан ҳам арзонини топиш қийин. Қўшнидан, таҳририятдан газета сўраб ўтиргандан кўра...




Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси, шоир ва таржимон

**Асқар МАҲКАМнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда дўст-қадрдонларига чуқур таъзия изҳор этади.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-49-93 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 136-58-55*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 136-58-55*

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Байрамали МУҚИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 23.50.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. А — 5079. Буюртма Г — 248. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН